



ТОШКЕНТ ХАКИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 22 июнь, чоршанба

№ 50 (11.749)

Эркин нархда сотилади

Мустақилликнинг

14

йиллиги

Ҳар бир миллатнинг бетакрор ва қутлуғ аъноалари, муқаддас қадриятлари бўлади. Улар замонлар оша миллатни миллат сифатида бириктириб, жиқлаштириб, шу заминда яшовчи инсонларга янги-янги голларни рўбга чиқариш учун куч-қудрат, қайрат-шижоат бағишлаб, ўз эли, ўз Ватани шайин-шавкатини оти иқлимига ёйиш учун курашда уларга шижоат ато этиб бораверади.

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни ўзбек халқи, мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг фарзандлари учун ана шундай қутлуғ ва муборак умуммиллий байрамдир. Бугун биз уни ўн тўртинчи маротаба тантанали нишонлаш учун тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу — Ўзбекистон халқлари учун энг улуг, энг азиз тантана.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда бу умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури белгиланиб, тегишли идора ва муассасаларга аниқ топшириқлар берилди.

Мустақиллик кунини кенг ва тантанали нишонлаш истиқлол йилларида ниҳоятда муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ аънонага айланди. Унга мамлакатдаги барча ижтимоий-

сиёсий кучлар, партиялар, ҳаракатлар, нодавлат-ноҳижолат ташкилотлар, ёшу кекса бирдек тайёргарлик кўради. Айтиш мумкинки, бу умуммиллий байрам мамлакат бир йил давомида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, жамиятдаги янгилаш жараёнларида эришилган натижаларнинг ўзига хос умумдавлат сарҳисобига айланди.

Бир йил миллат, мамлакат, Ватан тақдирда, унда яшовчи халқлар ҳаётида қанчалик муҳим бўлмоқда. Утаётган ҳар бир йил мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларни янада жиқлаштириб, баракали меҳнат қилишга, муқаддас оюртимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустақиллашга руҳлантирмоқда. Утган йили мамлакатимизда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 8 фоиз кўтарилганиги, энг замонавий технологиялар асосига қурилган янги-янги корхона-

Тошкент вилояти: кеча, бугун, эртага

МАҚСАД АНИҚ, ИЖРО ТЎКИС

Тошкент вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бағишлаб 2004 йилнинг февралда ўтказилган йилги қарориди халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари қатори хонадонлари газ билан таъминлаш бугун чоралар билан яхшилаш вазифалари белгиланган эди.

Шундай муҳим ва масъулиятли вазифа зиммасига юклатилган «Тошкентвилоятгаз» ҳудудий газ тармоғи корхонаси бошқаруви шу асосда туманларда газ таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. У бир неча йилга мўлжалланган бўлиб, тўрт босқичда рўбга чиқарилиши режалаштирилган. Бу дастурда белгиланган катта ва мураккаб вазифаларни вақтида амалга ошириш юзасидан бошланган меҳнат жараёни узлуксиз давом этмоқда.

Ўтган йилнинг бошларида келиб вилоятимиз аҳолисини «зангори олов» билан таъминлаш даражаси янада яхшиланиб, 83,8 фоизга етказилган эди. Шаҳарларда бу кўрсаткич 91,5 фоизни, қишлоқларда 76,9 фоизни ташкил этди. 2004 йилда қишлоқ хонадонларини газ билан таъминлашни яхшилашга ало-

ҳида эътибор берилиб, ажратилган маблағлар асосан шу мақсадга йўналтирилди, газ асбоб-ускуналари, мосламаларнинг ҳам асосий қисминдан шу йўлда фойдаланилди.

Чунончи, ўтган йили барча молиявий манбалар ҳисобига умумий узунлиги 119,1 километр газ тармоқлари қурилди. Унинг асосий қисми қишлоқларга тўғри келди. Шунга айтиш кифояки, қишлоқ туманларида барпо этилган янги газ тармоқлари 117,3 километрга етди. Шаҳарлар бўйича эса 1,8 километр бўлди.

Янги газ тармоқларини барпо этишда турли молиявий маблағлардан фойдаланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ишга давлат қатори, ноъбанавий манбалар, аҳоли ва бошқа бир қанча ташкилотлар маблағлари ҳам сарф-

(Давоми 2-бетда).

Фалла — 2005

Тошкент тумани галлакорлари бу йил 2514 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда ўрим-йиғим қизғин паллага кирди. Ҳўжалиқларда 12 та комбайн, шу жумладан 5 та «Кейс» юксак унум билан ишламоқда.

Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик режадаги 42,6 ўрнига 48-50 центнердан тўғри келмоқда. Ўримга барвақт тушган Охунбобоев номли, Ғиёс Умаров номли, «Тошкент» ва С. Раҳимов номли ширкат ҳўжалиқлари давлатга дон топшириш шартнома режасини 3-5 иш кунинда бажаришга эришди.

Энг кўп галла етиштирадиган Навоий номли ширкат ҳўжалиғида бу йил 345 гектар майдонда бугундай ҳам мўл, ҳам эртаки ҳосил етиштирилди. Ҳўжалиқ давлатга 601 тонна дон сотиш юзасидан шартнома тузган. Бундан ташқари 330 тонна уруғлик галла ҳам тайёрланди. Шу боис ҳўжалиқ бошқаруви бор ҳосилни узоғи билан ўн иш кунинда ўриб-янчиб олишни режалаштирган. Кун бўйи ишда узилиш ва тўхташлар бўлмағлига учун техника воситаларига сервис хизмати, оператор ва бошқа ёрдамчи ходимларга зарур маиший хизматлар бевоқифа далага кўчирилган. Уч маҳал иссиқ овқат тайёрланмоқда.

— Механизаторларни моддий рағбатлантириш чораларини кўраётимиз, — дейди бош ҳосилот Холдор Султонов. — Комбайнчиға ўрган бир гектар галласи учун 1000 сўмдан ҳақ тўла бораётимиз. Натижада ўрим сурьати кўтиляганидан ҳам жадал бораётимиз.

СУРАТДА: бош ҳосилот Холдор Султонов (ўнгда) пудратчи Адҳам Низомовға етиштирган мўл ҳосили учун миннатдорчилик билдирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:

- 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.
- Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.
- Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўлашни белгилаб қўйилсин.
- 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акция солиғи олинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акция солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилсин.
- Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли даругатдан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилнинг 1 июлигача:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Тошкент шаҳри, 2005 йил 20 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-620-сонли Фармониға илова

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари

Тўловчилар	Сотилган товарлар (бажарилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида
1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2-4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно	13
2. Қишлоқ ҳўжалиғи корхоналари, ягона ер солиғини тўлайдиган қишлоқ ҳўжалиғи товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
3. Юридик ва jisмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эға бўлган корхоналар	30
4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи хотунлар	50

Эслатмалар:

- Харид, таъминлаш-сотиш корхоналариға, брокерлик фирмалари, комиссия шартнома-си бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашининг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.
- Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)ға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

Бир қатор имтиёзлар белгиланибди. Ортиқча ҳисоб-китоблар ва маълумотномаларға чек қўйилиши, энг асосийси бемаврид текширувчиларнинг йўли тўсилягани мени қувонтирди.

Хар сафар дўконимға текширувчилар келганда бир матал ёдимға тушаверарди. Яъни, бир қўшчиға мени бошчи деган гапни халқимиз беҳиж айтмаган экан. Баъзан шунчалик жонимға тегиб кетардики, ҳатто, «менға нима зарур ўзимни ўққа-ўққа уриб, тинчгина юрсам бўлмайди», деган ўйға ҳам борардим. Айрим текширувчиларнинг дўқ уришлари, бўлар-бўлмас ҳўжатларни талаб қилиб, асабни бузишлари ишимизға салбий таъсирини ўтказарди. Энг алам қиладигани текшириш учун ҳеч қандай рухсатнома-

Бундай воқеаларға жуда кўп дўқ келамиз. Баъзан қонун талабидан кейин чик-сак, баъзида эса ўзбекчилик, юзотир дейишда, улар билан муро-са қиламиз. Аслида ана шундай муро-са ва юзис-сиқлик бизнинг оёғимизға болта бўлиб урилмоқда.

Ишончим комилки, Юртбошимизнинг ушбу Фармони ва Қарори шу каби иллатларға узил-кесил барҳам берди.

Шаҳнозахон АБДУАЗИМОВА.

Навоийда ўрим қизғин



Изчил ислохотлар йўлида

ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАЛҚОНИ

Бугун вилоятимизда минглаб тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракатининг салмони тобора ортиб бормоқда. Кичик ва хусусий корхоналар маҳсулотларининг сифати яхшиланиб бораётди. Улар ички бозорни тўлдириб, жаҳон бозорларига тобора дадил кириб бораётди.

Лекин гоҳи ўринларда бу жараёни тушунаб, тадбиркорлик ҳаракатида депсиниш ҳолатлари келтириб чиқараётган тўсиқлар ҳам йўқ эмас. Бу, айниқса, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини назорат қилишда кўпроқ кўзга ташланмоқда.

Таажубланарлиси шундаки, янги-янги қонунлар ва қарорлар қабул қилинади-ю, бироқ, уларни амалга ошириш, мавжуд қонунлар ижросига келганда оқсаб, қоқилиш юз бера бошлайди. Чунки, турли бошқарув бўғинлари шу қонунларға ривож қилиниши ва қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш мўҳитини кенг тушуштириш, тадбиркорларға ёрдам кўрсатиб, мавжуд салоҳиятини уларнинг ижросига йўналтириш ўрнига қуруқ

назоратға зўр беради. Тадбиркорларға таҳдидлар, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш, табиийки, порахўрликни қўчайтирди. Бориники, тадбиркор бир илож топиб, олиб-югуриб, мўжазини ишлаб чиқариш корхонасини барпо этди, иш бошлади, дейлик. Биринчи иш ҳафталайдиган, текшир-текширлар бошланарди. Биринининг ишини такрорловчи назорат идораларининг «боқсини» тадбиркор эмин-эркин, қанотини кенг ёзиб, истиқболға ишончи назар ташлаб ишлашиға йўл қўймасди. Шундай ҳам бўлдики, тадбиркорлар орасида пуш-жариланиш ташкил этиш мўҳитини кенг тушуштириш, тадбиркорларға ёрдам кўрсатиб, мавжуд салоҳиятини уларнинг ижросига йўналтириш ўрнига қуруқ

рот воситаларида эълон қилинаётган янги-янги фармонлар тадбиркорларда алоҳида қизиқиш уйғотиб, манфаатдорлик туйғусини қўжайтирарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатда тадбиркорлик ҳаракатини раво-ланштиришга юборгандек бўлди.

Дарҳақиқат, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, иқтисодиётни чуқур ислох қилиш, бозор муносабатларини ишлаб чиқариш ва савдо-иқтисодий алоқалар жараёниға асосли равишда синдириш, бозорни сифатли ва рақобатта бардошли истеъмол буюмлари билан тўлдиретиш назорат органларининг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиларини чин маънода бартараф қилиш мўҳим ўрин тутди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоялаш, асоссиз

чеклашларға йўл қўймаслик бу жараёнда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётди.

Шу маънода янги Фармоннинг аҳамияти беқиёс. У тадбиркорларға ким ҳақиқий таянч эканлигини, ким уларнинг эмин-эркин фаолиятига қафолатлигини амалда кўрсатди.

Бир жиҳат тадбиркорларда алоҳида қизиқиш ҳосил қилмоқда. Гап шундаки, санақли кунлардан кейин тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат судлар орқали қўлланила бошланади, ҳар қандай назорат органи уларни ўзи маъқул курганича маъмурий жазо ёки жаримаға тортавермайди.

Фармон тадбиркорларнинг молия-ҳўжалиқ фаолиятини текшириш ёки таътиш қилишни кескин чеклайди, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялашга пухта замин яратарди. Эмин-эркинлик эса, ҳамини иқтисодий-иқтимоий юксалишға қанот бағишлаган.

САМИҒ САЛИМОВ.

ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИГА БОЛТА УРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва «Тадбиркорлик субъектлари томонидан таъдими этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганига учун жавобгарликни қўчайтириш тўғрисида»ги Қарори кўпчилик тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан мамнуният билан қўбилинди.

Ақсарият тадбиркорлар қарор чиққунига қадар юзаға келган вазиятларға ўз эътирозларини ҳам яширмадилар.

— Юртбошимиз имзолаган Фармон ва Қарорни ўқидим, — дейди зангиоталик тадбиркор Абдуазиз Мусаев. — Тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонликни қўйиб келган ортиқча «юклар»ни олиб ташлашға қаратилган ушбу ҳўжатларда биз каби ишбилармонларға

бир қатор имтиёзлар белгиланибди. Ортиқча ҳисоб-китоблар ва маълумотномаларға чек қўйилиши, энг асосийси бемаврид текширувчиларнинг йўли тўсилягани мени қувонтирди.

Хар сафар дўконимға текширувчилар келганда бир матал ёдимға тушаверарди. Яъни, бир қўшчиға мени бошчи деган гапни халқимиз беҳиж айтмаган экан. Баъзан шунчалик жонимға тегиб кетардики, ҳатто, «менға нима зарур ўзимни ўққа-ўққа уриб, тинчгина юрсам бўлмайди», деган ўйға ҳам борардим. Айрим текширувчиларнинг дўқ уришлари, бўлар-бўлмас ҳўжатларни талаб қилиб, асабни бузишлари ишимизға салбий таъсирини ўтказарди. Энг алам қиладигани текшириш учун ҳеч қандай рухсатнома-

си бўлмаган ташкилот ва муассаса вакилларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ишдан бездирарди.

— Узим Тошкент вилоятидан бўлсамда, Тошкент шаҳрида тадбиркорлик билан шуғулланар эдим, — дейди Саидумар Бурхонов. — Бугун фалон ташкилотдан текширувчилар келарини деган гапни эшитган куним, ҳатто, ишға ҳам боргим келмасди. Ноқонуний ишлаётганимдан эмас, балки бесамавр вақтим кетишини ўйлаб, шундай кайфиятға тушардим.

Бир кун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг бир вакили кириб келиб, унга текинча хизмат кўрсатишни кераклигини айтиди. Аввалиға индамадим, дўқ-пўписани қўчайтиргач, мен ҳам чидаб ту-ролмадим. Уни бундай талаб

қўйишға ҳаққи йўқлигини, агар ҳозирок бу ердан жўна-маса, раҳбарига шикоят қилишимни айтдим. У эса қўлидан ҳар қандай иш қилишни ва мени турли ба-лоларға гирифтор этиши мумкинлигини писанда қилди.

Бундай воқеаларға жуда кўп дўқ келамиз. Баъзан қонун талабидан кейин чик-сак, баъзида эса ўзбекчилик, юзотир дейишда, улар билан муро-са қиламиз. Аслида ана шундай муро-са ва юзис-сиқлик бизнинг оёғимизға болта бўлиб урилмоқда.

Ишончим комилки, Юртбошимизнинг ушбу Фармони ва Қарори шу каби иллатларға узил-кесил барҳам берди.

Шаҳнозахон АБДУАЗИМОВА.

Тошкент вилояти: кеча, бугун, эртага

МАҚСАД АНИҚ, ИЖРО ТЎКИС

ланмоқда. Биргина ноанъанавий маблар маблаглари ҳисобига 29,9 километр узунликдаги «зангори олов» тармоқлари қурилди. Аҳоли ва бошқа ташкилотлар маблаглари эвазига фойдаланишга топширилган газ тармоқларининг умумий узунлиги 89,2 километр бўлди. Йил давомида эса асосан туманларда жойлашган 8672 хонадон табиий газ билан таъминланди. Шундай қилиб, вилоятимиз аҳолисини беминнат ёқилги билан таъминлашда яна бир босқичга эришиш мумкин бўлди. Йил охирига келиб «зангори олов»дан баҳраманд бўлаётган шаҳар хонадонлари 91,9 фоизга, қишлоқдаги хонадонлар 79,3 фоизгача кўтарилди.

Ўтган йилги суръат бу

(Давоми. Боши 1-бетда).

йил ҳам давом этмоқда. Қувурлар, бошқа замонавий мосламалардан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилинган. Худудий газ тармоғи корхонаси жамоаси аъзолари йиллик топшириқни муваффақиятли бажариш, барча иншоотларни белгиланган муддатларда барпо этишни таъминлашга астойдил киришди. Ўтган йил давомида 53,3 километр газ тармоқлари фойдаланишга топширилди, 2060 та хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди.

Олдинги йилларда давлат ва ноанъанавий капитал маблаглар ҳисобига бунёд этилган 7,5 километр узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди. Бевоқиф «Тошкент-вилоятга» худудий газ тармоғи корхонаси маблаг билан қурилган тармоқлар 29,6

километрга етди. Аҳоли ва бошқа ташкилотлар маблаглари ҳисобига қурилган 16,2 километр узунликдаги газ қувурлари ҳам фойдаланиш учун қабул қилиб олинди.

Шундай қилиб, аҳолини табиий газ билан таъминлаш тўхтовсиз кенгайиб бормоқда. Шу йилнинг 1 июнь ҳолатига аҳоли турар жойларини газлаштириш миқдори 85,4 фоизга етди. Шаҳарлар бўйича бу кўрсаткич 91,9 фоизни, қишлоқларда эса 79,3 фоизни ташкил қилди. Йил охиригача фақат «Тошкент-вилоятга» корхонаси маблаглари билан яна 103 километр газ тармоқларини қуриш мўлжалланмоқда.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ОРОМГОҲЛАР ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Зангиота туманида ўқувчиларнинг ёз мавсумида мароқли дам олишлари учун олимпиада болалар оромгоҳи ҳамда 35 та соғломлаштириш майдончалари фаолият юритмоқда.

Уларда 4770 нафар болаларни соғломлаштириш режалаштирилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши томонидан оромгоҳларда «XXI асрга гийҳандликсиз», «Ёшлар — чекишга қарши» широклари остида тадбирлар ўтказилиб, ўқувчилар ўртасида турли кўнгиллаштирилган ташкиллаштирилмоқда.

Лобар ИСМОИЛОВА.

ШИФОХОНА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИЛДИ

Вилоят Ички ишлар бошқармаси тиббиёт бўлимида 92 нафар малакали шифокор ва ҳамшира фаолият кўрсатмоқда.

— Тиббиёт бўлимида нафақат ходимларимиз, балки уларнинг оила аъзолари ҳам даволандилар, — деди вилоят ИИБ шахсий таркиби билан ишлаш хизмати нозир Наргиза Мирзаева. — Шунингдек, истеъфодаги ходимларнинг соғликлари ҳам улар назоратида. Шифокорларимиз томонидан эл осийишталигини, фу-

қаролар хавфсизлигини таъминлашдек муқаддас бурчини бажараётган вилоят ички ишлар ходимлари доимо тетик, соғлом бўлишларини таъминлаш мақсадида янгиликлар кенг жорий этилмоқда. Яқиндан бошлаб тиббиёт бўлими ходимларига компьютерлар ёрдамга келди.

Шерзод ШУКУРОВ.

Уй-жой мулкдорлари ширкатида аҳвол қандай?

СОНДА БОРУ САЛМОҚДА ЙЎҚ

Сўнги вақтларда аҳоли истиқомат қилувчи тураржойлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Замон талаблари билан барча шахар ва туманларда уй-жой мулкдорлари ширкатлари тизими пайдо бўлди ва улар шакллантирилмоқда. Ушбу ширкатларнинг тузилиши уй-жойлар ва уларнинг муҳандислик тармоқлари соҳада қилдирилган, ҳудудларнинг обод ва кўкаламзор бўлишига олиб келяпти. Лекин беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳамма жойда ширкатлар кўнглидагидек ишлаяпти, деб бўлмайди.

Хозирги кунда Юқоричирчиқ тумани Янгибозор шаҳарчасида учта уй-жой мулкдорлари ширкати тузилган, аммо улар ҳали ёлғиз ишлаётгани йўқ. Туртинчи ширкат ташкил этилиши ҳамон муҳим муаммоларга қолмоқда. Шундай бўлганда кейин маҳаллий аҳоли улар фаолиятдан қандай қилиб қониқсин?

«Иттифоқ» маҳалласи ўз майдони, аҳоли эҳтимоли билан ақриллаб туради. Бу ерда уй-жой мулкдорлари ширкати тузилган бўлиб, унинг раиси шу ҳудудда яшайдиган Муқаррам Шораҳимова экан. Уни уйдан топдик. Вақт тушга яқинлашиб қолганига қарамай, ширкат раиси ўз иш кунини бошламаганлиги бизни таажжублантирди. У киши билан суҳбатимиз тахлам-тахлам ҳужжатлар билан танишишдан бошланди. Маълумотларга қараганда, ушбу ҳудудда 16 та кўп қаватли уй бўлиб, уларда 264 та хонадон истиқомат қилади. Аҳоли сони эса 2047 нафарни ташкил этади.

Бундан ташқари, улар йўлакларининг кўпи ёритилмаслиги, чироқлар ўрнига қалдирғочлар ин қуриб олганилиги, бурчак-бурчаклар қават-қават ис босиб, қорайиб кетганлиги, зиналарда ахлатлар сочилиб ётганлигини кўрдик. Ширкат раиси бу ҳолатга қандай қилиб изоҳ беришни билмай қолди.

Раисдан тушум қандай бўлаётганлиги ҳамда «Аҳоли муҳофаазлари учун» тутилган қайд этиш дафтери бор-йўқлигини суриштирдик. Меним афсуслар бўлсинки, бундай дафтар тутишга раиснинг вақти йўқ экан. Кўриниб турибдики, раис ушбу дафтарсиз ҳам ишини «кўзи»ни билади. Тўловлар масаласига келсак, фақатгина 2, 16, 17-уйлардан апрель-май ойлари учун пул тўлиқ бўлиб олинган. Қолган хонадонлардан ўз вақтида йиғиб олишнинг «иложи топилмаган».

2-уйнинг ёнида ҳайхотдек ахлатхона тутаётганлигини устидан чиқдик. Энг ачинарлиси, унинг атрофида ёш болалар уйнаб юришарди. Сал нарида эса бир гала хотинларнинг шовқини эшитилди. Узини Дилором (4-уй бошлиги) деб таништирган аёл шундай деди:

— Ҳар доим ахвол шу. Бу ерга фақат домдагилар эмас, андиликда участкадагилар ҳам ахлат ташлашга одатланишган. Бефаросатлар, тагин ёқиб кетишади. Нима қилишга ҳайронимиз.

— Бизда ахлатхонадан бошқа йирикроқ муаммолар ҳам бор, — деди 2-уй бошлиги Муқаддас опа. — Истиқомат тизими 1 ноябрда ишга тушса, 1 апрелгача аранг ишлайди. Сувни эса айтмасам ҳам бўлади. Эрталаб 3 соат, кечки пайт 3 соат давомида берилади. Лекин тўлашга келганда 24 соат учун, тагин киши бошига олишади.

Муаммолар, муаммолар... Уларни ҳисоблаган сари бирининг кетидан иккинчисининг келиши, ечими оддий бўлса-да, кимларнингдир бепарволиги тўғрисида чигаллашиб кетганлигига амин бўламиз.

Шаҳарчада ташкил этилган яна бир уй-жой мулкдорлари ширкати — «Замондор» туман автобуслар шох бекати яқинида жойлашган. Ширкатга 10 та кўп қаватли уй қарайди. Биз бу ерга келиб, қоникари ҳолатни кўрармиканми деб умид қилдик: Лекин соя-салқинда ўтирган отахон билан бўлган суҳбатимиз ниятимизни пугча чиқарди.

— Эҳ, болам, нима қилсан муаммони сўраб, барибир фойдаси бўлмайди, — деди 2-гурӯх ногирони Ҳасим ота Юнусов. — Уч йилдан буюн уйларимизда иситиш тизими ишламайди. Мурожат қилганга жойимиз қолмади. Агар солиқчилар келишса, уларни оёғини ечтириб уйга киргизаман. Агар шу уй иссиқ бўлса тўлайман дейман. Майли сув, газ, электрга тўлаймиз. Чунки уларни ишлатамиз. Лекин учинчи ва туртинчи қаватдаги кўшиқларга қийин. Уларга сув чиқмайди. Иссиқ сувнику хаёлларига келтиришмасам ҳам бўлади. Бундан ташқари, невараларим ўйнайдиган тузукроқ майдонча йўқ. Уларни кўриниб турган мана шу ахлатхона ичидан топиб чиқамиз.

Биз ширкат раисини қириб борганимизда, у киши касалхонада ётганини айтишди. У кишининг аёли Раиса Сайдалиева ҳам қатор муаммоларни тўқиб қолди.

Шундай қилиб, Юқоричирчиқ туманига қилган сафаримиз ўз яқинида туманда уй-жой мулкдорлари ширкатлари тузилиб, шаклланди, улар фаолиятни қонун талабларига мос эмаслиги аён бўлди. Улар хонадонларни сифатли сарфлар биланлашларга айланганча йўқ. Сўзимиз сўнггида айтмоқчимизки, бу ишга дахлдор мутасадди ташкилот раҳбарлари рағбат уйқусидан тезроқ ўйғониб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятни рисоладагидек йўлга қўйиш чорасини кўрмасалар, тураржойлардаги бугунги ночор вазият тузатиб бўлмас ахволга келиб қолиши ҳеч гап эмас.

Хурида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мардлар қўриқлайди Ватани!

Ватан — муқаддас. Унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва юрт тинчлик-осойишталигини сақлаш чегара қўшинлари посбонлари зиммасига катта ишонч ва масъулият юклайди. Бинобарин, посбонлар ёзининг жазирасида иссиқ, қишнинг қаҳратон дәмларида, қолаверса, ҳар қандай вазиятда мана шу ишонччи оқлаб хизмат қилишади.



САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗ

Жумладан, Тошкент туманида ўтган Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг семинар-йиғилишида чегара-худуд маҳаллаларида огоҳликни кучайтириш, юрт осойишталигини кўз қорачиғидаги асраш ва кун тартибидagi бошқа масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Унда чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳи вакиллари, чегара пост бошқиклари, посбонлар ва ёрдамчи отряд аъзолари иштирок этишди.

ЁШ ОФИЦЕРЛАР САФГА ҚЎШИЛИШДИ



Мамлакатимизда ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар жараёнида профессионал армия шаклланиб бораётди. Бунда ҳар жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлган офицерлар корпусининг аҳамияти катта. Шу босқич юқори малакали кадрлар тайёрлашга эътибор қўйиб бораётиб.

Бу вазифани амалга оширишда Чирчиқ Олий танкич кўмондонлик-муҳандислик билим юрти алоҳида ўрин тутди. Яқинда шу ҳарбий билим юртида ёш офицерларнинг наватбадга битирув маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан уларни билим юрти бошлиги, генерал-майор Қосимали Аҳмедов қизгин табриқлади. Ёш лейтенантларга диплом ва кўкрак нишонлари топширилди. Битирувчиларни Хива болалар уйининг директори, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Вера Пак қизгин табриқлади:

— Профессонал армияни мустаҳкамлаб, мамлакатимиз Куролли Кучлари шон-шавкатини оширишга бу даргоҳида олган билим ва тажрибаларингизни тўла сафарбар этасиз, деган умиддамиз, — деди нотик.

Шунингдек, мамлакатимиздаги бошқа билим юртларида ҳам ёш офицерларнинг битирув тантаналари бўлиб ўтди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.
СУРАТЛАРДА: тантанали маросимдан лавҳалар.

Узбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари фахрийлар уюшмасининг раиси, захирадаги полковник Рустам Султонов бугунги кунда ушбу касб эгаларининг муносиб хизматлари хусусида батафсил гапириб, чегарани қўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида фидойилик ва матонат талаб этилишини таъкидлади.

Шунингдек, Чегара қўшинлари «Тошкент» тезкор гуруҳининг ҳарбий қисмларида сарҳадларимизни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш ишига муносиб ҳисса қўшаётганлар мукофот, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. «Чегара посбонлари» ёрдамчи отряди аъзолари хизмат гувоҳномалари олишди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз

ҒАЛАМИСЛАРДАН НИМА КУТИШ МУМКИН?

Андижон воқеаларининг хориждаги айрим оммавий ахборот воситаларида ёритилиши бўйича матбуотимиз орқали билдирилган мулоҳазалар тўғри ва ҳаққоний эканлигини ҳар бир онли инсон маъқуллашга тавон.

Чунки, воқеалар содир бўлган кунлари чет эллик баъзи журналистлар уларнинг туб моҳиятини чуқур аниқлаб етмасдан туриб, турли иғволарни тарқатишди. Лекин халқимиз орасига кириб, суҳбатлашганингизда, бўлиб ўтган муҳим воқеалар миллионлаб ватандошларимиз қалбидида ҳали-ҳануз оғриқ ва алам билан ақс-ақсдо бериб турганининг гувоҳи бўласиз.

Бу оғриқларнинг сабаби барчамизга аён: дахллати жиноятлар тўғрисида беғуноҳ аскарларимиз, қондош биродарларимиз ҳалок бўлди. Урта асрлардаги халқимизнинг кўмасб, осойишта ҳаётимизга раҳна солишга уринганлар нахотки «Халқ бизнинг кетимиздан эргашамиз», деган хомхаёлга борса!

Бундан бир неча йил аввал қўшни Афғонистон Республикасида «толибон» ҳаракатининг

халқи, ироқликлар ҳам кўз ўнгимизда жабр чеказларини билдириб, улар ордасидан чапак чақиб, эргашиб кетаверганимиз! Босқинчиликлар, шафқатсизларча жиноятларни содир этган ғаламислардан нималар кутиш мумкин? Бу тоифа кишилар ҳеч қачон юртим, халқим демайди. Уш-ушга босқинчи, қонхўр кўйфасида қолаверди.

Биз мана шундай мураккаб дунёда яшаётганимизни, ганимларимиз ўз мақсадларига етиш учун нақадар тубанликка бориши мумкинлигини тушунишимиз ва ёшларимизга уқтиришда акцидентимизни ишга сола билишимиз керак.

Юртимизда фақат тинчлик бўлсагина, кўнглимиз тубларидидаги хайрли мақсадимизга, орав-хавасларимизга етишиб, бахтли, фаровон ҳаёт кечира оламиз.

Фарица ШОКАРИМОВА,
Юқоричирчиқ туманидаги «Тахмина» хусусий корхонаси раҳбари.

Андижондаги машҳур воқеалар муносабати билан жойларда халқимиз вакиллари ўз фикр ва мулоҳазаларини илҳор этмоқдалар.

Биз бугунги осуда ҳаётга осонликча эришганимиз йўқ. Истиқлолимизни кўз қорачиғидек асраш ҳам ўзимизнинг кўлимизда эканлиги шу йил 13 май кўни Андижонда содир этилган муҳим воқеалар мисолида ҳам очик-ойдин кўриниб қолди.

Ватан бу — оиламиз, хонадонимиз, маҳалламиз. Унинг тинчлиги, хотиржамлигига ҳаммамиз масъулмиз. Осойишта меҳнат қилиши, фаровон турмуш кечиришимизнинг асосий омилли ҳам, ўғил-қизларимизнинг камолоти, тинчлик-хотиржамликни асраш ҳам ўзини шу азиз Ватанинг асл фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир имонли, эътиқодли инсоннинг муқаддас бурчидир.

Андижонда беғуноҳ одамларнинг қони тўқилди. Мадааният ва маънавият масканларига ўт қўйилди. Хўш, бундай муҳим воқеаларнинг ортда қандай қучлар бор? Нега шундай ҳолат юз берди? Машҳур воқеа тақдорларимизга учун нима қилмоқ керак? Эндилдики биз жойларда ана шундай саволларга жавоб излашимиз керак. Чунки, энди

рида юқоридаги саволларга жавоб изладик ва уни топгандек ҳам бўлдик.

Жумладан, Бекобод туманидаги Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг йиғилишида «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси

ҳолатга қарши маърифат билан, гоғра қарши гоғра билан кураш олиб бормоқлари зарур. Токи, ўсиб-ўлғаяётган ўғил-қизларнинг кўз ўнгидида бунёд этилаётган замонавий бийонар, мактаб ва коллежлар ўз-ўзидан бунёд этил-

ОҚУ ҚОРАНИНГ ФАРҚИ

Аъзам Гадойбоевнинг Андижон воқеалари хусусидаги маърузаси йиғилиш иштирокчиларини бефарқ қолдирмади. «Маҳаллар оқсоқоллари, фаоллари тарғибот-ташвиқот доирасини кенгроқ олиб, обрўли инсонлар ҳаёти, тажрибаларидан фойдалана билишлари, фикр алмашилари керак. Ёшларимиз биз гувоҳи бўлаётган баъзи оилаларнинг фарзандлари каби боши берк кўчага кириб қолмасалар. Оқу қоранинг фарқи борсинлар. Маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий, ахлоқий тарбия масалалари бўйича қолмақчилар, участка нозирлари, имом-хатиблар, маҳалла фуқаролари жа-

маётганлигини тушуниб етсинлар», — дея таъкидлади нотик.

Бўлиб ўтган учрашув ва йиғилишларда «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Тўлқин Мирқомиллов, Бекобод тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муниса Мўминова, Меҳнатобод қишлоқ фуқаролар йиғини маҳалла ахлининг вакиллари Барно Худобоева, Азиза Султонова, Оқунбоев номили қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Эркин Ерпақов ва бошқалар мулоҳазалар билан, юзага келадиган муаммолар ечимини бартараф этишлари, халқ-

нинг дарди ва ташвишлари билан яшаш зарурлигини ҳаёт ҳам, дарв ҳам тақозо этаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтидилар.

Бекобод шаҳридаги техника иқтисодиёти касбхона коллежида, шаҳар халқ таълими бўлимида, 9-умумтаълим мактабидида, Бекобод тиббиёт коллежида, «Бекободга» ва маҳаллаларда, Бекобод туманидаги Пушкин номили, Гулистон, Бахористон, Оқунбоев номили қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳамда бир қатор ташкилот ва муассасалардаги учрашув, мулоқот ва суҳбатлар чоғида ҳам «Юртимизда тинчлик ва хотиржамлик барқарор бўлиши» давлати тез-тез янги раб турди. Элу юрт тинчлигига яраша жаосини оладилар. Биз эса бундан буюн янада хушрӯроқ бўлиб, фарзандларимиз тарбиясига эътиборимизни қўнайтира- миз, дея фикр билдирилди.

Бундай мулоқотлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этаётди.

Шавкат ҚУЛИБОВЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР УЧУН

Тошкентдаги «Фалак нури» хайрия жамияти Қибрай туманидаги «Она ва бола» марказига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Жамият марказида доволанаётган оналар ҳамда дунёга келаётган гўдакларни ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, кам таъминланган, қўшимча қўмакка муҳтож аёлларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида навбатдаги мурувват тадбирини амалга оширди. Аёллар учун турфа уст-бошлар, чақалоқларга йўрак жас-

ланмалари ҳамда жарроҳлик тўғрисидаги келтирилиб, шифо масканига тақдим этилди.

Совғаларни топшириш маросимида марказ маъмурияти ҳамда жамоатчилик вакиллари кўрсатилган бегараз ёрдам учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирдилар. Ш. ҒАЙРАТОВ.

«UNITEL» ОЛМАЛИҚДА

Олмалик шаҳрида фаолият кўрсатаётган уяли алоқа тизимларининг сони яна биттага ортди. Яқинда «UNITEL» компаниясининг кичик агентлиги шаҳарда ўз фаолиятини бошлади.

— Шаҳримизда илгари биргина уяли алоқа тармоғи аҳолига хизмат кўрсатар эди, — дейди тадбиркор Аҳмад Нурматов. — Улар сонининг ортгани, бундай хизматдан фойдаланувчиларга анча қулайлик яратди. Алоқа хизмати ҳам яхши.

Энди компания мутасаддилари мижозларга қулайлик яратиш учун шаҳарнинг чекка жойларида ҳам шундай шохобчалар ташкил этишни режалаштирмоқдалар.

Фаррух НУРМУҲАМЕДОВ.

КИМ ЗУККОЮ КИМ ДОНО

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Оҳангарон шаҳар маиший касб-хунара коллежи бошланғич ташкилоти ташаббуси билан коллеж гуруҳларидаги ётакчилар ўртасида «Ким зуқкою ким доно» кўрик-танлови ўтказилди.

Якуний натижаларга кўра, фахрли 1-ўрин А. Полененкога, 2-ўрин Х. Жалоловага, 3-ўрин Ф. Раҳматжоновга насиб этди. Бундан ташқари баъзи иштирок-

чилар бир қатор номинациялар бўйича ҳаракатнинг шаҳар кенгаши фахрий ёрлиги ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Лазизнон ҲАСАНОВ.

ЯЛПИ МАҲСУЛОТ — АСОСИЙ ОМИЛ

Мамлакатнинг ички маҳсулоти унинг бутунлиги ва эртанги тараққиётини белгиловчи омилдир. Айниқса, ялпи ички маҳсулот ЯИМ кўрсаткичи мамлакатларни ўзаро бир-бири билан солиштиришда муҳим макроиктисодий индикатор ҳисобланади. Бироқ шу билан бирга ушбу кўрсаткич кўпроқ миқдорий хусусиятга эга бўлиб, аҳоли сони ўзгаришларини ўзида ифодаламайди.

Тасаввур ҳосил қилиш учун мисол келтириш мумкин. Айтилик, бирор бир давлатнинг ялпи ички маҳсулоти 2000-2004 йилларда 15 фоизга ўсди, аҳоли сони эса шу даврда 16 фоизга кўпайди. Ҳозирда ялпи ички маҳсулот 2000-2004 йилларда 15 фоизга ўсди, аҳоли сони эса шу даврда 16 фоизга кўпайди. Бундай пайтда одатда давлатлар паст, ўртача ва юқори даромадли гуруҳларга ажратилади. Шу усулни Ўзбекистонда 12 та вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг даромад даражасини белгилаш учун қўллаш мумкин.

Бу кўрсаткич орқали биз ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯМ) ўсиши билан эмас, балки ривожланиш даражасини белгиловчи кўрсаткич, яъни ялпи даромад кўрсаткичи билан ҳудудларимизни ўзаро тасоқлашимиз мумкин. Бу ЯМ дан фарқли равишда аҳоли ўсиши кўрсаткичини ҳам ўз ичига олади. 2004 йил натижаларига кўра мамлакатимизда ЯИМ номинал (шу давр ба-

ҳолида ҳисоблангани тушунилади) кўринишида 12189,5 миллиард сўмни, ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич мустақиллик йилларидаги энг юқори кўрсаткичдир. Ҳудудларнинг ЯИМ даги улуши жиҳатидан Тошкент шаҳри энг юқори ўринда (13,8%), Сирдарё вилояти эса (2,0%) энг паст ўринда туради.

Тошкент вилоятининг ЯИМ даги улуши 9,7% ни ташкил этиб, Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Умуман олганда вилоятда деярли барча кўрсаткичлар республикадаги ўртача кўрсаткичлардан юқори даражада. Фақатгина халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши ва кўрсатилган пуллик хизматлар бўйича ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилади, республика кўрсаткичидан орқадан қолмоқда. Лекин ушбу камчилиқни барта-рарат этиш мақсадида вилоятда 2005-2006 йилларга мўлжалланган пуллик ва сервис хизмат кўрсатишни кўпайтиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилиб, 2005 йилда бу соҳада 150% (1,5 баробар) ўсиш кутилмоқда.

Раҳимжон РИХСИЕВ, Тошкент Давлат иқтисодий университети магистранти.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талаблари асосида, замонавий педагогик технологияларни ҳаёта табиқ этаётган илгор тарбиячиларни аниқлаш мақсадида республикамизда «Ил тарбиячиси» кўрик-танлови ташкил этилди.

«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ — 2005»

Ўзбек миллий академик театрида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятларда голиб деб топилган 14 нафар тарбиячи ўзаро баҳслашди. Икки босқичда ўтказилган финал қисмида улар тўртта шарт бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Якуний босқичда Андижон вилоятининг вакили Зулайхо Ҳалилова голиб деб топилди. Иккинчи ўринга тошкентлик Гулзода Дўстова сазовор бўлди. Учинчи погонани эса, вилоятимизнинг Ангрэн шаҳридаги 37-мактабгача таълим муассасасининг тарбиячиси Дилноза Назирова эгаллади.

Ғолибларга ҳамда иштирокчиларга «Халқ таълими аълочилиги» унвони берилиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қамол ҒАЙРАТОВ.



СУРАТДА: тикувчилар Наргиза Саиджонова ва Махфуза Йўлдошова иш устида. С. ЗУҒАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, унга кенг йўл очиб бериш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада Паркент туманида ҳам муайян ишлар қилиняпти. 2001 йилда ташкил этилган «Таъминотчи Хоним» хусусий ишлаб чиқариш шаклида фирма ҳам тез кунда ўз харидорларига эга бўлди. Бу ерда болалар, эрақлар, аёллар уст кийимлари тикилмоқда. Ҳозирда маҳсулот тури 20 хилдан ортиб кетди.

— Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар самараси ўлароқ савдо фирма фаолиятини йўлга қўйди, — дейди корхона раҳбари Сайёра Қучирбоева. — 2002 йилда банк кредити асосида фирманга оёққа турғазиди. Айни пайтда мактаб ўқитувчилари учун форма тикляймиз. Энг асосий эътибор ўзбек миллий кийим-кечақларини ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Мен яна банкдан кредит олиб фаолиятимни кенгайтирмоқчиман.

КЕЛАЖАК УЧУН «САРМОЯЛАР»

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида коллеж ва лицейлар қуриш ҳамда уларни энг замонавий техникавий ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бериламоқда.

Бир неча йил муқаддам Япония Халқорак ҳамкорлик банки «Урта-маҳсус хунара таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида 59 миллион АҚШ доллари миқдорига япон валютасидаги имтиёзли кредитни ажратган эди. Ҳозирги пайтга қадар мазкур лойиҳа доирасида 50 та касб-хунара коллежи қурилиши ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, замонавий ускуна-жиҳозлар сотиб олинди, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил қилинди.

«Жаҳон» АА.

ТИНЧЛИККА ҚАСИДА

Ёшлар онгига ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат каби инсонпарварлик ғояларини синдириш ва бу борада маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида институтимизда ҳар ойнинг чоршанбасида «Маънавият кун» ўтказилади.

Яқинда ўтказилган навбатдаги шундай тадбирда оталаримизнинг уруш ва тинчлик йилларидаги ҳаёти ва фаолиятини ақс эттирувчи кинолавларга намойиш этилди.

Шунингдек, «Талабалик олтин даври» деб номланган тадбирда ҳам тинч ва осуда ҳаётни қадрлаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказиш масалалари илгари сурилди.

Наргиза ҒАҒФОРОВА, ТВДПИ бошланғич таълим услубий факультети талабаси.



Қиш ғамини ёзда еб...

Бу ақида Ангрэн иссиқлик электр станцияси жамоасининг бугунги ширини айтаман.

Қарийб эллик йилдан буён республикани электр, шаҳарни эса иссиқлик энергияси билан таъминлаб келаётган мазкур станцияда 2005-2006 йил куз-қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтишига қаратилган чора-тадбирлар ижросига ҳозирданки киришилди. 2 та буғ қозони, 4 та буғ турбинаси мукамал таъмирдан чиқарилади. Бунинг учун барча зарур ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тахт қилиб қўйилган.

Корхонанинг тўла қувват билан ишлаши учун етарли кўмир захираси яратилиши лозим. Бугунги кунгача бу ерда белгиланганидан ортиқ

— 80 минг тонна ёқилғи ҳозирланган. Корхона ховлисини айлансангиз, саранжом-саришталикдан, турфа ранг гулзорлар, қуюқ сояли салқин хибобларда дилингиз ором олади. Жамоа умумхашар ишларидан четда қолмайди. Ҳашар йўли билан амалга оширилаётган ободонлаштириш, дахалар ичидеги қўпқаватли уйлари таъмирлаш, болалар уйингоҳлари ва чўйилмиш хавзаларини тартибга келтириш каби хайрли ишларда корхона ахли ҳамisha фаол иштирок этиб келаяпти.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

СУРАТДА: Ангрэн ИЭС-нинг бир гуруҳ иши, муҳандис, техник ходимлари навбатдаги вазиёлар хусусида фикрлашмоқдалар. Муаллиф олган сурат.

Ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида қатнашаётган 200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат жамоаси қарори билан шу йилнинг иккинчи ярмига «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталарига корхона ҳисобидан олуна қилинди. Бу ҳам ижтимоий соҳа йўналишида меҳнатни рағбатлантиришнинг бир кўриниши сифатида таҳсинга сазовордир.

СУРАТДА: Ангрэн ИЭС-нинг бир гуруҳ иши, муҳандис, техник ходимлари навбатдаги вазиёлар хусусида фикрлашмоқдалар.

Муаллиф олган сурат.

МЕХАНИЗАТОРЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Ўртақчилик тумани ҳокими бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар барча ширкат ва фермер хўжалиқларида бўлишиб, механизаторлар билан суҳбат қуришди.

Улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, иш фаолиятига дахлдор қулайликлар билан танишишди. Бундан ташқари, техника воситаларининг мавсумга тайёргарлик ҳолати, эҳтиёт қисмларнинг етарлилиги, ишчи органларнинг тулиқлигини кўздан кечиришди. Охунбоев номи, «Қорасув», «Дустлик», «Янги тўқтин» ширкат хўжалиқларидаги тайёргарлик ҳолати юқори баҳоланди. Илгор механизаторларга гилам, магнитофон, девор соатлари каби қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Хуррият МЎМИНОВА.

Назорат самарадорлиги

АДОЛАТ ТУҒАЙЛИ ИШОНЧ БОР

расида мурасасиз, изчил иш олиб бораётдилар. Буни тадбиркорлик субъектлари манфаатларини қўллаб, улар ҳўжалик судларига киритган даъво аризаларидан ҳам қўриш мумкин. Чунончи, вилоят адилия бўшқармаси ва прокуратура органлари кейинги икки йилда ҳўжалик судларига 300 дан зиёд шундай даъво билан мурожаат қилганлар. Асарият ҳолларда қонуна асослаб қилинган бундай мурожаатномалар ҳўжалик судларига кўрилиб, қаноатлантирилмоқда ва ҳўжалик субъектларига нисбатан адолат қарор топтирилмоқда. Айрим ҳолларда судларда қўрилиётган ишлар қисман қондирилса, гоҳида даъво талаблари рад ҳам этилмоқда. Албатта, ҳар бир ҳолатда даъво аризалари суд-

да қонуна кўриб чиқилиб, тегили қарорлар қабул қилинмоқда.

Чунончи, вилоят прокуратура органлари тадбиркорлик субъектлари манфаатини қўллаб 2003 йили ҳўжалик судга киритган 11 та аризанинг 10 таси бўйича 7 миллион 710 минг сўмдан кўпроқ миабларни ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. Утган йили эса, прокуратура ташаббуси билан «Бахт» фермер хўжалиги фойдасига «Оққўрғон» ширкат ҳўжалиги ҳисобидан 678 минг сўмлик маҳсулот ҳақи ундирилди. Оққўрғон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси вилоят ҳўжалик судига мурожаат қилиб, «Туйтепадон» маъсулияти чекланган жамият ҳисобидан «Жасурбек Раҳман ўғли» фермер хўжалиги фойдасига 531 минг сўм қарзни ундириб берди.

Ҳўжалик субъектларининг манфаатларини ҳимоялаш борасида вилоят адилия бошқармаси тизимида ҳам фаол иш олиб боришмоқда. Сўнгги бир йилда адилия бошқармаси шу мазмундаги даъво аризалари билан ҳўжалик судларига 250 мартаба мурожаат қилганлигини таъкидлашнинг ўзи қийфоя. Бу даъво аризаларининг 106 таси маҳсулот етказиб бериш, 14 таси олди-сотди, 58 таси контрақтация, 5 таси ижара шартномалари билан боғлиқ. Ҳўжалик судларига бундай мурожаатномалар орасида давлат органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш, ундирилган солиқларни бунд-жетдан қайтариш, банк омонати ва ҳисоб варақ шарт-

номалари ҳам йўқ эмас. Ишлар биринчи инстанция, апелляция ва кассация босқичида қўрилиши натижасига кўра, адилия идоралари томонидан 209 та даъво аризалари бўйича юририлган ишлар юзасидан 596,6 миллион сўмлик даъво талабларини қисман ёки тўлиқ қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Даъво аризаларининг 136 таси тўлиқ қаноатлантирилганлиги айтилса, адолатни қарор топтириш учун қизғин ва изчил иш олиб боришганлигини аниқлаш мумкин.

Нуралӣ ЭҒТАШЕВ, вилоят прокуратураси бўлимининг бошлиғи.

МАВСУМ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

Бугунги кунда вилоят касб-хунара коллежларида битирув имтиҳонлари қизин тус олмақда. Жумладан, Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий коллежининг битирувчи талабалари ушбу жараёнга пухта тайёргарлик кўрдилар.

— Бу йил коллежнинг 147 нафар битирувчи талабаси ўз мутахассисликлари бўйича имтиҳон топширмоқда. Булар мактабгача тарбия, бошланғич таълим, банк иши, шунингдек, компьютер ва офис жиҳозларини ўрнатиш ҳамда таъмирлаш йўналишларидир, — дейди коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Тоштемир Худойназаров. — Талабалардан 30 нафари ўқини имтиёзли диллом билан битириши кутилмоқда. Битирув имтиҳонлари бир ҳафта давом этади. Имтиҳонларга соҳа мутахассислари ва коллежнинг малакали ўқитувчилари жалб этилган.

Саид ҲАСАНОВ.

Сўраган эдингиз

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ МУҲИМ МАСАЛА

Транспорт — хизмат кўрсатиш инфратузилмасининг муҳим бўғинидир. Унинг самарадорлиги кўп омиллар қатори йўллар ҳаракатлини ҳолати, тезликка ҳам боғлиқ. Бунда йўл ҳаракати қондалари ва уларга амал қилиниши ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Ҳаракат хавфсизлиги қондаларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда йўл-патруль хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият тушади. Йўлларда ҳаракатланувчи транспорт воситалари кескин кўпаймоқда. Табиийки, ҳаракат қондаларига риоя қилиниши устидан назорат ҳам бирмунча мураккаблашди. Йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан жиддий чоралар кўрилиб, улар турли миқдордаги жарималарга тортишмоқда. Бу қандай тартибда амалга оширилади? Қондабузар қанча жарима тўлайди? «Тошкент ҳақиқати» муҳбири газетонларнинг шу каби саволларига жавоб олиш учун вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Асадулла Ҳамидуллаевга мурожаат қилди.

— Ҳозир транспорт ҳаракатини назорат қилишда нималарга кўпроқ эътибор бериламоқда?

— Йўл қондаларининг ҳар бири ҳам муҳим. Уларга бирдек амал қилиниши керак. Содир этилаётган қондабузарликни асосий ёки иккинчи даражали деб бўлмади. Гоҳида арзимас қондабузарлик ҳам инсон ҳаётига, унинг соғлиғига хавф туғдириши мумкин. Ҳайдовчи ёки йўловчи вақтини қизғаниб, светофор чироклари талабига амал қилмаслиги ҳам оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин.

— Йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан қандай чоралар қўлланилади?

— Бундай пайтларда ҳайдовчи нисбатан бир ҳолатда жойида жарима чиптасига асосан, иккинчи ҳолатда расмийлаштирилган маъмурий баённомага асосан жарима қўлланилади. Қонда бузилган жойининг ўзида қўлланилган махсус жарима бўйича йўл-патруль хизмати ходими ҳайдовчи қўлига тулган сумманинг қвантациясини топшириши шарт. Расмийлаштирилган маъмурий баённомаларга асосан жарималар ундириш эса йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг тегишли ҳудуддаги бўлинмаларида амалга оширилади.

— Ҳайдовчи светофорнинг қизил чироғида чорараҳадан ўтиб кетса, қандай жазо чоралари қўлланилади?

— Светофорнинг тақиқловчи қизил чироғи талабига амал қилмаганлик учун қўлланиладиган жазо чоралари Ўзбекистон Республикаси

каси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 128-моддасида кўзда тутилган. Бу ҳолат энг кам иш ҳақининг ярми миқдорига жарима солинишига сабаб бўлади. Борди-ю, худди шундай қонбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақоран содир этилса, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда ёки бир йил мобайнида 3 бор содир этилса, энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 3 бараваригача миқдорига жарима солинишига қўли келади. Демак, қондабузарлик тақор содир этилган сари молиявий жарималар ҳам ортиб бораверади. Борди-ю, бундай ҳолат 4 бор тақорланса, унда 128-модданинг 4-қисмига биноан суд органлари томонидан чора кўрилади.

— Транспорт воситаларида туси ўзгаририлган ёки қорайтирилган ойналардан фойдаланиш ҳам қондабузарликка қирадими?

— Тегишли давлат андозларида белгиланган нормаларни бузган ҳолда транспорт воситаларига туси ўзгаририлган ёки қорайтирилган ойналар ўрнатиш «Йўл ҳаракати қондаларининг 7.3-банди талабларини бузиш ҳисобланади. Ҳайдовчи бундай ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 126-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ярми миқдорига жарима тўлайди. Агар худди шундай қондабузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақоран содир этилса, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига жаримага тортилади.

— Бугунги кунга келиб, «Йўл ҳаракати қондаларига янги йўл белгилари киритилган. Уларни биринчи бор кўраётган ҳайдовчи ноқулай аҳволга тушиб қолмасмикин?

— Йўл белгиларига кўп ўзгариштириш киритилмаган. Масалан, 2001 йилда қайта чоп этилган «Йўл ҳаракати қондаларига бор-йўғи учтагина белги қўшилди. Булар «Тураржой даҳаси», «Тураржой даҳасининг охири» ва «Фалокатли ҳолатлар учун кириш йўли» белгилари.

— Йўл-патруль хизмати ходимларининг кўча ва йўлларнинг маълум бир нукталарида туриб хизмат вазиёсини бажариш тартиби қандай? Улар истаган пайтда ҳайдовчини тўхташига руҳсат этиладими?

— Қўрида айтиб ўтилган чора-тадбирлар натижасида апрель ойининг ўзида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари 13 тага камайди. Кўриб турибсизки, амалга оширилаётган ҳар бир чора-тадбирлар исзис қолмапти.

Қамолдин АСҚАРОВ суҳбатлашди.

